

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ



### Ўшларга оид давлат сиёсати – амалда

Бугун мустақил юртнинг бахтиёр ёшлари Юртбошимизнинг қайноқ меҳри ва нурли умиди тафтида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган камол топмоқдалар.

Бекобод шаҳрида қуриб битказилган "Камолот" уйлари фойдаланишга топширилишига бағишланган маросимда иштирок этганлар бунга яна бир қарра амин бўлдилар.

...Озода фарзандларини икки чақирим наридаги болалар богчасига олиб боради. Ҳар куни таниш кўчалардан ўтиб, сув ёқалаб юради-да, катта йўлга чиқади. Автоуловга ўтиради, у ёғи бир қадам. Баҳору ёз майлику-я, аммо, кузнинг ёмғири-ю, қишнинг қаҳратонида хўп қийналади. Доим кўнглида ўша-ўша гап: "Бир уй бўлса-ю, богча, мактаб ҳам ёнгинасида жойлашса..."

Яхши ният – ярим давлат, деганлари рост. Рост бўлмаганда, куни кеча Абдувалиевлар оиласи кўчиб ўтган яп-янги уй

эндиликда унинг бекасига айланган Озодахон орзу қилганидек бўлиб чиқармиди?..

Мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Буни юртимизда фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда муваффақиятларга эришадиган ёш оилаларга имтиёзли кредитлар асосида "Камолот" уйлари берилётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Давоми 2-бетда. ➡

### Вилоят ҳокимлигида



Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан жойлардаги таълим муассасаларида маданият, санъат, адабиёт намояндалари иштирокида ўтказиладиган "Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мазмунидagi тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев бошқарди.

## СОҒИНИБ КУТИЛГАН УЧРАШУВЛАР

Таъқидланганидек, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ҳар бир жабҳада асрларга татигулик ўзгариш ва юксалиш жараёнлари рўй бермоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, ободлик, бунёдкорлик жараёнлари, халқимиз турмушининг фаровонлашиб бораётгани бугун дунё хавасини тортмоқда. Бугун кўррай эсимизда турли сиёсий низо ва нотинчликлар кучайиб, вазият тобора кескинлашиб бораётган бир шароитда юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликни асраб-авайлаш, айниқса, ёшларимизни глобаллашув даврининг ёвуз иллатларидан муҳофаза қилиш, улар шуурида она Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини янада кучайтириш алоҳида долзарблик касб этапти.

Йилларида эришилаётган ана шундай оламшумул ютуқлар билан кенг-роқ таништириш, улар онгида эл-юрти, Ватандан чексиз фахрлиниш туйғуларини кучайтиришдан иборатдир. Бу жараёнда 100 га яқин эл ардоғидаги хонадалар, театр ва кино актёрлари, таниқли адиб, шоир ва олимлар жабб этилаётгани таълим муассасаларидаги самимий учрашув ва мулоқотларда чинакам байрамона кайфиятини таъминлаш шубҳасиз.

Қайда этилганидек, маъзур тарғибот гуруҳлари фақат марказларда эмас, энг чекка ҳудудлардаги таълим муассасаларида қадар кириб боришлари, ижодий учрашувлар, суҳбат ва мулоқотлар дилдан, самимий кечмишига эришиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, ташкилотчилар 30 га яқин тарғибот гуруҳларининг 28 мартдан бошлаб вилоятдаги олий ўқув юрти, 876 умумтаълим мактаби, 129 та коллеж ва лицей, шунингдек, меҳрибонлик уйларига кириб боришига эришишини мақсад қилган.

Маъзур хайрли лойиҳанинг бекаму кўст амалга оширилиши билан боғлиқ барча ташкилий масалалар муҳокама қилиниб, мутасаддиларга аниқ топшириқ ва тасвирлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Б. Аҳмедов сўзга чиқди.

Давоми 4-бетда. ➡

## Вилоят бўйлаб

### Эрматовнинг хуштаги «Юқори овул»да янгради

Халқимизда "Туйга тўёна билан" деган гап бор. Урта Чирчиқ туманининг "Юқори овул" маҳалласи аҳолиси ҳам Наврўз байрамини муносиб тўхфа билан қарши олишди.

Гап шундаки, маҳалладошлар худуддаги ташландик жойни ҳашар йўли билан ободонлаштириб, замонавий футбол стадиони барпо этишди.

Яқинда маъзур ўйингоҳнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбир футбол мусобақасига уланиб кетди. Эътиборлиси,

маҳалла фахрийлари, футбол бўйича миллий олимпиада терма жамоаси вакиллари билан иборат жамоалар ўртасидаги баҳсда "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби, халқаро тоифадаги ФИФА рефереси Равшан Эрматов ҳаммалик қилди.

Аваз ИСРОИЛОВ.

### Икки ярим сотихдан 20 миллион сўм

Лола гулининг чинакам ишқибозлари Бўка тумани Чигатой қишлоқ фуқаролар йиғини худудида истиқомат қилувчи Абдуманнон Абдухамидовни яхши билишди.

Боиси, қўли гул богдон ҳар йили ўзининг икки ярим сотихлик иссиқхонасида саккиз минг туп лола парвариларни. Эътиборлиси, гулчи етиштириётган лолалар нафақат ба-

ҳорнинг қўшалок байрамга муносиб тўхфа бўлапти, балки хонадон газнасига ҳар йили 20 миллион сўмдан ортиқ фойда келтирмоқда.

Ўз мухбиримиз.

### Дўкон... қарзга ҳам беради

Наврўз байрами кунларида "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти худудида замонавий савдо дўкони ишга туширилди.

Аҳолига кенг қўламдаги маиший ва уй-рузгор буюмларини етказиб беришга мўлжалланган маъзур иншоот хусусий тадбиркор Шохруҳ Мамажонов ташаббуси билан барпо этилди.

Маъсадимиз – шаҳримиз аҳолисига юқори даражада хизмат кўрсатиш орқали халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўшишдир, – дейди тадбиркор. – Ҳозирча 10 нафар чирчиқлик ёшани доимий иш билан таъминлади.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 25 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашув-

чи комиссияси томонидан "Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусида видео-мулоқот шаклида семинар ўтказилди.

### Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Унда Олий Мажлис Сенати Кенгаши Комиссияси аъзолари, онлайн-режимда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳларининг раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри комиссиялари раислари ва аъзолари, ушбу комиссиялар ҳузурида ташкил этилган ахборот хизматлари раҳбарлари, туман ва шаҳар комиссиялари, "Маҳалла"

фондининг худудий бўлимлари раислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Семинарни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари С. Ортиқова олиб борди.

Шу йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинларининг амалдаги раислари ва улар мас-

лаҳатчиларининг ваколат муддати тугайди. Шу муносабат билан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартда қабул қилинган қарори рўйга чиқарилишини таъминлаш мақсадида бўлғуси муҳим тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди.

Давоми 2-бетда. ➡

### Қарор ва ижро

Дунёда эл саломатлигидан ортиқ бойлик йўқ. Давлатимиз ижтимоий сиёсатининг энг устувор йўналиши айнан шунга қаратилгани билан эътиборлидир.

## ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Республика Президентининг "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги Қарори скрининг марказлари ва аёллар маслаҳат хоналари, гинекология ва патронаж хизматлари, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жараёнини кескин тезлаштирди.

Қарор доирасида вилоятдаги таълим муассасаларида кўчма тиббий кўриқлар ўтказилиб, касалликлар эрта аниқланмоқда ва зарур чоралар кўриляпти.

Давоми 2-бетда. ➡

## ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ маҳаллада давом этади

Ҳаётда ҳар бир киши касб-корини, турмуш тарзини, бу ёруғ оламда яшайдиган мақсад-муддаосини ўзи белгилайди. Кимдир ҳалол меҳнат билан нон топишни, фарзандларини тўғрисиқ, адолатли, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашни, жамоада, маҳаллада яхши ном қолдиришни ўйлайди. Бошқа бир киши ҳаётнинг маъно-маъмуни, яшайдиган мақсад нима эканини тўғрисида деярли ўйламайди, ўткинчи ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга, яхши еб, яхши ичмоқликка берилади. Бундай кишилар фарзанд тарбиясини, эл-юрт, жамият олдидидаги ота-оналик бурчларини унутмайди. Шоир ёзганидек, бу дунёда ким нимани изласа, шуни топади – ҳикмат излаган ҳикматни, иллат излаган иллатни. Доно халқ гараз ва ҳасад би-

лашмайди, оиласи тўғрисида эътибор бермайди, "Бирор ёрдамим керакдир?" деган савол билан бир-бирини қўллаб-қувватламайди. Ҳамма

кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга нуруний отахон ва онахонлар, бобо ва момолар таъсирида шаклланади. Оиланинг соғлом ва мустаҳкамлиги жамиятнинг равнақига пойдевор бўлади. Маънавий ҳаётнинг юксалиши эса кўп жиҳатдан маҳалланинг фаоллиги, бу ерда умргузаронлик қилаётган кишиларнинг ўзаро аҳил-иноқлигига боғлиқ. Шу боис бизда маҳалла деб аталмиш ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб бўғинини янада мустаҳкамлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор кучли.

Маҳаллада турли миллат вакиллари, турли касб, тақдир ва эътиқод эгалари ёнма-ён истиқомат қилишади. Улар жамият-

нинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида ўзаро аҳил-иноқликда умргузаронлик қилишаётгани, бир-бирларига меҳр-оқибат елкадош бўлишаётгани жамиятимизнинг энг катта ютуғи.

Маҳалла бўлиб яшаш бизга ота-боболаримиздан қолган буюк мерос. "Маҳалла" тушунчаси биринчи марта Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми аниқ белгилаб қўйилгани эса янада қувонарли. Бундай юксак мақом мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг ижтимоий ҳаётда босқичма-босқич амалга ошаётганига ишончли далолат.

Давоми 4-бетда. ➡

Қарор ва ижро

# ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Бошланғичи 1-бедга.

– 16-17 ёшдаги қизлар ҳали турмуш қуришга тайёр бўлмайдилар, – дейди Паркент тумани кўп тармоқли поликлиникаси акушер-гинеколог Манзура Самариддинова. – Успиринлик даври жадал кечиси боис, аъзолар ривожига мувозанат бузилиши мумкин. Шу сабаб мактаб ва коллежларда тиббий кўриklar ўтказилар ва тавсиялар бериб бориш муҳимдир.

Репродуктив саломатлик – кенг тушунча. У фақат туғуруқ жараёнига эътибор қаратишдан иборат бўлмай, оилада фаровонлик ва соғлом муҳитни таъминлашни ҳам назарда тутди.

Шу маънода, ёшларда репродуктив саломатликни шакллантиришни мактаб давридан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, жисмоний тарбия билан шугулланиш ва танани ёшиқдананоқ чиниқтириш яхши натижа беради. Ёшлар ҳам маънан, ҳам руҳий соғлом, шунингдек, оила тўғрисида билимга эга бўлсалар оилалар мустаҳкам бўлади.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бошланғичи 1-бедга.

Сайхун соҳилидаги сўлим ва обод шаҳар – Бекободда қуриб битказилган 16 хонадондан иборат 4 қаватли "Камолот" уйлари ўз эгаларига топширишга бағишланган тантанани сўз олганлар, бундай хайрли ва эзгу сай-харакатлар ёш оилаларни мустаҳкамлаб, уларнинг эртанги кунга ишончини оширишда беқийс аҳамият касб этаётганини қайд этдилар.

– Биласиз, уй 5 йиллик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга берилди, – дейди 3-хонадон соҳиби Зухриддин Мусаев. – Ўз навбатида, бу биз ёшларни мустақил яшашга, рўзгор юкни елкага олиш учун ҳалол меҳнат қилишга ўргатади. Шўкри, уй-жойли бўлиш ташвишдан кутулдик. Барча шароити



## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

бўлган ўз уйимизда фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаб, эл-юрта қўшиш энг катта мақсадимиз. Бундай имконият ва ғамхўрлик учун Юртбошимиздан беҳад миннатдоримиз.



## ТЕЖАМКОРЛИКДАН ФАРОВОНЛИККА

Тежамкорлик – фаровон ҳаёт асосидир. Шу сабабдан қадимдан ота-бобларимиз бизни исрофгарчиликка йўл қўймади, барча неъматларни қадрлаб, улардан меъёрда фойдаланишга ўргатишган. Зотан, бу ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган муҳим масалалардан биридир.

Тавсия

Ҳар ишнинг меъёри, тартиб-қоида бўлганидек, нефть маҳсулотларининг беҳуда сарфланишининг олдини олиш борасида ҳам ўзига хос йўналишлар мавжуд.

Масалан, автобензин сақлаётган сиримларда зичлик ва "нафас олиш" мослашмаси созилини таъминлаш, ёқилги тарқатиш устунларини соғлом ҳолда сақлаш, автотранспорт ва механизмларнинг ёқилги бакларини меъёридан ортқича тўлдирмаслик шулар жумласидандир.

Кўп ҳолларда ҳайдовчилар ўз транспорт воситаларини вақтида техник кўриқдан ўтказиш, ёқилги сарфи бўйича меъёрий бузилишларни бартараф этишга ҳафсала қилишмайди. Айрим авто-транспорт воситаларининг

эса масофа ўлчовчи спидометрлари ва бошқа меъёрий ўлчов тизимлари яхши иш-ламаслигига гувоҳ бўламиз. Бир қарашда аҳамиятсиздек туюлган бу ҳолатлар ёқилги сарфини назорат қилиш имконини йўққа чиқаради, пировадида, ҳам ҳамёнга зарар етди, ҳам табиий неъматлар беҳуда исроф бўлаверади.

Элда бир гап бор: "Томатома кўл бўлур". Агар биз кундулик ҳаётда бир оз эътиборлироқ бўлсак, эл-юртимиз бойлиги бўлган қимматбаҳо ресурсларнинг ортқича исрофгарчилигининг олдини олган бўламиз.

Жамол САЛИМОВ,  
"Ўздавнефтогазиспекция" вилоят ҳудудий бўлими бош технологи.

Қонун ҳимоясида

## ШИКОЯТЛАР ЭГАЛАРИ ФОЙДАСИГА ҲАЛ ҚИЛИНДИ

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилиниши мамлакат тарихида илк бор Конституцияда эътироф этилди. Орадан тўрт йил ўтиб, 1996 йилда "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" - ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Қонуннинг 23-моддасида истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланишдаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлашни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, судлар амалга ошириши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви органларига истеъмолчиларнинг ҳу-

қуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасига 2015 йилда истеъмолчилардан 333 та ариза ва шикоят келиб тушди. Уларнинг 79,6 фоизи коммунал хизмат, 6,6 фоизи савдо ва умумий оқватла-ниш, 3,6 фоизи транспорт ва алоқа хизмати, 10,2 фоизи бошқа соҳаларга оид-дир. Улар белгиланган тартибда ҳал қилиниб, истеъмолчилар фойдасига жами 175,5 млн. сўм қайта ҳисоб-китоб қилиниб, бузирилган ҳуқуқлар тикланди. Шунингдек, қайд этиш жоизки, истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар ва улар ушбу даъволар учун давлат божини тўлашдан озод қилинганлар.

Жўрабек ИСМОИЛОВ,  
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси бўлими бошлиғи.

Давра суҳбати

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманида ташкил этилган давра суҳбатида ёшларнинг мафкурвий иммунитетини кучайтириш,

ижтимоий фаоллигини ошириш, жойларда жамоатчилик тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, бошқарув органлари билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш ҳақида сўз борди.

## ҲАМКОРЛИКНИНГ УЧ ҚИРРАСИ

– Баъзи ёшларимиз билиб-билмай, боши берк кўчаларга кириб қолишида биз, маслаҳатчиларнинг ҳам айбимиз бор, – дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги "Гулзор" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Соҳида Мир-аҳмедова. – Шунинг учун маҳалладани

ча болаларнинг хатти-ҳаракатидан хабардор бўлишимиз керак. Аввало, ота-она, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтириш, ёшларни миллатимиз ва халқимиз табиатидаги ёт иллатлардан асраш, уларда интернетдан фойдаланиш маданиятини

шакллантириш лозим. Тадбир сўғида адашган химсалар ҳаёти акс эттирилган "Қиёматга қолган қарз" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Бектош ИСМОИЛОВ,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.  
Даврон АҲМАД  
олган суратлар.



# ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Жойларда бўлажак сайловнинг ошқоралик, мубоиллик ва тенг сайлаш ҳуқуқи принциплари асосида ўтиши учун барча чоралар кўриляптир. Хусусан, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар шакллантирилмоқда, улар учун зарур шарт-шароит ва қулайлик яратилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши Комиссиясининг аъзолари томонидан таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича энг муҳим талаблар ва аниқ мақсадга қаратилган вазифалар – фуқаролар йиғинлари органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш бўйича фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўйбага чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишдан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайлов жараёнига иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашдан, фуқароларни фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар, уларнинг иш ҳамда ахлоқий фазилатлари билан ҳар томонлама таништиришдан иборатдир.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг бўлғуси сайлови давлат ва жамият қурилишининг барча жиҳатларини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни лари чуқурлаштирилиши билан ифодаланган сифат жиҳатидан янги социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитларда ўтиши таъкидланди.

Ҳозирги вақтга келиб

либ, Фуқаролар йиғинларида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳар комиссиялари тузилди.

Семинар чоғида иштирокчилар сайловга тайёргарлик кўришнинг барча босқичлари тўғрисида тўлиқ ахборот ва тушунтириш олди. Олий Мажлис Сенати Кенгаши Комиссияси аъзоларининг чиқишларида сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари алоҳида эътибор қаратилди. Фуқаролар йиғинларида сайловни ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар олдида турган вазифалар кўриб чиқилди ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Хусусан, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масаласи бўйича аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, фуқароларнинг ушбу жараён юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш, шаҳарча, қишлоқ ва овулардаги ҳовли, уй, кўча ва маҳаллалар фуқароларининг вакиллик нормаларини белгилаш уларнинг ваколатларига кирди.

Семинарда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни кўрсатиш муҳимлиги айтилди. Мамлакатимиз бўйича 9764 нафар фуқаролар йиғинлари раисини, шунингдек, уларнинг 99 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайловни муносиб даражада ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўмагининг аҳамияти таъкидланди.

Амалий ва ишчанлик руҳида кечган мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси.

Бошланғичи 1-бедга.

## БИЗНЕС ЛОЙИҲА УЧУН КРЕДИТ

Давлатимиз раҳбарининг «Ёшлар бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир», деган сўзлари менга доимо куч бағишлайди.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мустақил мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда хусусий сектор, қолаверса, хусусий дўконлар ва умуман, тадбиркорликнинг барча тармоқларида эришилаётган натижалар алоҳида аҳамиятга эга. Зотан, республикамиз аҳолисининг қарийб 55 фоизи қишлоқда яшашини, ишлаб чиқарилаётган ялли маҳсулотнинг салмоқли қисми хусусий корхоналар улушига тўғри келаётганини назарда тутадиган бўлсак, ана шу тармоқлар ривожланиши учун қаратилган эътибор нақадар муҳим эканлиги ойдинлашади. Шунинг учун ҳам Президентимиз ва республика ҳукумати хусусий секторни тараққий эттиришга катта эътибор бериб келмоқда.

Албатта, республикамиз иқтисодиётини тубдан ўзгартириш, сифатли ва рақобатбардор шакл истаъмо молларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш янгича ёндашуви тақозо этади. Бинобарин, тадбиркорларнинг мустақил, эмин-эркин иш қилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз учун асосий масала ҳозирги шароитда тадбиркорлар ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш натижасида сифатли ва арзон маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқариш, савдо-сотқ хажмини ошириш, аҳолига техник ҳамда маънавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Бизнинг "PETROL PROGRESS OIL" масулуияти чекланган жамиятимиз "Микрокре-

## «БАНК КЎМАГИДАН МАМНУНМИЗ» Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳрида ўз фаолиятини олиб бораётган «Зафар пласт» хусусий корхонаси раҳбари Зафар Адиллов шундай дейди

– Бизнинг корхона 2011 йилда ташкил топган бўлиб, асосий фаолият туримиз акфа профилларидан эшик ва ромлар ишлаб чиқаришдан иборатдир. Тижорат банклари томонидан биз – кичик бизнес корхоналарига ҳамда ёш тадбиркорларга ниҳоятда катта амалий ёрдам кўрсатилаётди. Қисқа муддат ичида кредит олиш имконияти яратилган. Мен ҳам ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб келаман, олган имтиёзли кредитларим ҳисобига акфа эшик ва ром ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуна (станоклар), хом ашёлар харид қилиб, ўз фаолиятимни аста-секинлик билан кенгайттирдим. Олмалиқ шаҳрида фаолият кўрсатган ҳолда акфа профилларидан эшик, ромлар ва витражлар ишлаб чиқариш мақсадида 2015 йилда "Ипотека банк" АТБ Олмалиқ филиалидан хом ашё сотиб олиш учун 50,0 млн. сўмлик кредит маблағ олдим. Замоनावий ишлаб чиқаришга эга корхонамизда якунланган йилда тайёрланган маҳсулот ҳажми 100 млн. сўмдан ошди. Ушбу кредит натижасида

корхонамиз қуввати ойдан-ойга ошиб, 3 та янги иш ўрни яратилди. Коллежлар билан тузилган шартномага асосан, ҳозир корхонамизда 5 нафар йигит меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда ушбу лойиҳа бўйича Олмалиқ шаҳри, Охангарон тумани ҳамда қўшни шаҳар ва туманлар аҳолисининг мазкур маҳсулотга бўлган талабини қисман бўлсада таъминлаб келмоқдаман. Шунингдек, янги лойиҳа бўйича ҳозирги кунда тунаку-шифер ишлаб чиқариш мақсадида профнастил ускунасини сотиб олдим. Ушбу лойиҳани амалга ошириш ҳамда ривожлантириш бўйича жорий йилда яна қўшимча 50-100 млн. сўмлик кредит олиш ниятим бор. Бундан ташқари, бизнес-режамга асосан шиша ойна чқиндисини қайта ишлаш дастгоҳи олишни режалаштирганман. Ушбу режамда дастурига киритилган бўлиб, 2017 йил давомида 150,0 млн. сўмлик кредит олиш режалаштирилган. Энг муҳими, ишлаб чиқариш маҳсулотининг 30 фоизини экспортга йўналтиришни мўлжаллаб қўйганман.

М. ХОДЖАМБЕРДИЕВ,  
"PETROL PROGRESS OIL"  
МЧЖ раҳбари.

Реклама ўрнида

РЕКЛАМА ЎРНИДА



# «ОҲАНГАРОНДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

## акциядорлик жамияти

### вилоятимиз аҳлини миллий ва ардоқли байрам –

# Наврўз

# айёми

## билан самимий қутлайди.



### "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 27 апрель кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига куйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда.

1. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 20.07.2015 йилдаги №1-314/2015-сонли ижро варақасига асосан кўзгатирилган № 8286-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 13-даҳа, 79-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган, фойдаланиш майдони - 43,57 кв.м.дан иборат хонадон. Бошланғич баҳоси: 43 590 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Пискент тумани СИБ томонидан 12.02.2016 йилдаги № 726-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Туқай кўчаси манзилида жойлашган, қурилиш ер ости майдони 143,9 кв.м ер сахнида жойлашган дўкон биноси. Бошланғич баҳоси: 25 000 000 сўм.

Шунингдек, 2016 йил 12 апрель кунин бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига куйидаги кўчмас мулклар такроран кўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Бекобод тумани СИБ томонидан 23.06.2015 йилдаги №5880/81/82/83/84/85-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Бобур ф/у, Тақачи қишлоғи манзилида жойлашган, умумий 264,87 кв.м. ер майдонида жойлашган клуб биноси. Бошланғич баҳоси: 52 983 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан 10.09.2014 йилдаги №1-4676/14-сонли ижро варақасига асосан 2015 йил 24 июль кунин кўзгатирилган №17036/17-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўсарой ҚФЙ, Келес кўчаси манзили, 1340 кв.м. ер майдонида жойлашган пахта чувиш цехи бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси: 200 000 000 сўм.

3. Тошкент вилояти Олмалик шаҳар СИБ томонидан 27.11.2015 йилдаги №11422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Сунбула кўчаси, 51/1-уй манзилида жойлашган бир қаватли хом гишдан қурилган ер участкасининг умумий майдони 265,1 кв.м, қурилиш остидаги ер майдони 265,10 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 119,0 кв.м, асосий бинолар сони 1 та бўлган дўкон биноси. Бошланғич баҳоси: 56 250 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунин (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунин қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосига қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион қолиби сотиб олган мулк киймати 5 банк кунин мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258. Лицензия: RR-0052.

### "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда

### ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 18 сентябрдаги ЖСХ-2-289/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Хумсон ҚФЙ, Дулат кўчаси, 2-А уй манзилида жойлашган ер участкаси умумий майдони 1729 кв.м қурилиш остидаги участка майдони 231,0 кв.м. умумий фойдаланиш майдони 169,7 кв.м. 2 қаватли дала ҳовли такроран кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 584 176 245 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 12 апрель кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунларин соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати 2016 йил 8 апрель кунин соат 18:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 х.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

### "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бўха тумани СИБ томонидан, ФИБ Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 2015 йил 20 майдаги 3026-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўха шаҳри, Магистрал кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, 2 қаватдан иборат, қурилиш майдони 107 кв.м бўлган умумий овқатланиш биноси такроран кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 132 000 000 сўм.

Аризалар расмий иш кунларин соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати 2016 йил 8 апрель кунин соат 18:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳуж-

жатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 х.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

## Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2016 йил 27 апрель соат 10.00 да очик тендер ўтказилади

1. ВХ-251 "Кўйлик АШБ-Бекобод АББ" (такрорий)
2. ВХ-241 й.т. "Улугбек маҳалласи-Ширин АШБ" (такрорий)
3. ШИ-25 й.т. "Чинор қишлоғи Бекати-Аммофос ОАЖ" (Олмалик ш.) (такрорий)
4. ВХ-221 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори-Тинчлик ф/у" (такрорий)
5. ВХ-226 й.т. "Янгийўл АШБ-Чилонзор буюм бозори" (такрорий)
6. ВХ-279 й.т. "Тинчлик ф/у.-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
7. ВХ-282 й.т. "Янгийўл дехон бозори-Халқобод-Штаб канали" (такрорий)
8. ВХ-286 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали-Тошкент (Бут орқали)" (такрорий)
9. ВХ-286 й.т. "Тошкент (Бут орқали)-Янгийўл темир йўл вокзали" (такрорий)
10. ВХ-297 й.т. "Пахта хирмони-Гулбаҳор кўргони" (такрорий)
11. ВХ-300 й.т. "Янгийўл АШБ-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
12. ВХ-300 й.т. "Жанубий вокзал АШБ-Янгийўл АШБ" (такрорий)
13. ВХ-306 й.т. "Гулбаҳор шаҳарчаси-Халқобод кўргони" (такрорий)
14. ВХ-342 й.т. "Санам қишлоғи-Ангрен дехон бозори" (такрорий)
15. ВХ-343 й.т. "Олмалик АШБ-Жар қишлоғи" (такрорий)
16. ВХ-344 й.т. "Қайтмас қишлоғи-Тўйтепа АШБ" (такрорий)
17. ВХ-411 й.т. "Олмалик АШБ-Убайт-Узар-Эйвалек кўргони" (такрорий)
18. Битта пакет билан: ВХ-314 "Ангрен АШБ-Четсув қишлоғи" ВХ-396 й.т. "Охангарон АШБ-Кўйлик АШБ" ВХ-417 "Янгийўл кўргони-Тошкент АББ" (такрорий) ВХ-415 й.т. "Олмалик АШБ-Муротали қишлоғи" (Тельман орқали) ВХ-416 й.т. "Олмалик АШБ-Тўйтепа АШБ" (такрорий)

20. ВХ-592 й.т. "Қолғалик маҳалласи-Ойбек ф.у. маркази" (такрорий)
21. ВХ-596 й.т. "Олмалик АШБ-А.Икромов қ.ф.й." (такрорий)
22. ВХ-597 й.т. "Тошарик маҳалласи-Олмалик АШБ" (такрорий)
23. ВХ-598 й.т. "Янгийўл дехон бозори-Янгийўл ёғ-мой комбинати" (Янгийўл транспорт ва хизмат кўрсатиш коллежи орқали) (такрорий)
24. ВХ-602 й.т. "Чирчиқ АББ-Қоратухум қишлоғи" (такрорий)
25. ВХ-604 й.т. "Оққўрғон АШБ - С.Сегизбоев ф/у" (такрорий)
26. ВХ-605 й.т. "Оққўрғон АШБ - Охунбоев ф/у" (такрорий)
27. ВХ-609 й.т. "Янгийўл АШБ - Бўстон қишлоғи" (такрорий)
28. ВХ-611 й.т. "Янгийўл дехон бозори-Дархон МФЙ (Коминтернин)" (такрорий)
29. ВХ-613 й.т. "Паркент АШБ - Самсарак қишлоғи" (такрорий)
30. ВХ-615 й.т. "Паркент АШБ - Паркент Чўққайма маҳалласи" (такрорий)
31. ВХ-616 й.т. "Бўха АШБ-Олмалик АШБ (Сувти орқали)" (такрорий)
32. ВХ-619 й.т. "Янгийўл қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи-Туман марказий шифохонаси" (такрорий)
33. ВХ-620 й.т. "Дўстобод АШБ-Чиноз (Кўргонча орқали)" (такрорий)
34. ВХ-621 й.т. "Бўха АШБ-10 Йиллик қишлоғи (Хўжақўрғон орқали)" (такрорий)
35. ВХ-622 й.т. "Кўйлик АШБ-Иттифок маҳалласи" (такрорий)
36. ВХ-623 й.т. "Навой ф.у.-Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
37. ВХ-624 й.т. "Кўйлик АШБ-Қорасув-Паррандачилик фабрикаси (Туркистон м.ф.й орқали)" (такрорий)
38. ВХ-628 й.т. "Охангарон тиббиёт бирлашмаси-Охангарон шакар заводи" (такрорий)
39. ВХ-629 й.т. "Паркент АШБ-Чотқол қишлоғи-Чирчиқ АББ" (такрорий)
40. ВХ-229 й.т. "А.Навой маҳалласи-Тошкент АББ" (такрорий)

41. ВХ-200 "Оққўрғон АШБ-9-бўлим" (такрорий)
42. ВХ-209 "Дўстобод АШБ-Дўстлик ф/у" (такрорий)
43. ВХ-213 "Оққўрғон АШБ-Дўстобод АШБ (Навой орқали)" (такрорий)
44. ВХ-232 "Янгийўл АШБ-Беруний ф/у (Нурбой ота)" (Янгийўл АШБ томондан) (такрорий)
45. ВХ-232 "Янгийўл АШБ-Беруний ф/у (Нурбой ота)" (Беруний томондан) (такрорий)
46. ВХ-240 "Галасой қишлоғи-Боймирзаев маҳалласи (Дўстлик ш.х.)" (такрорий)
47. ВХ-241 "Улугбек маҳалласи-Ширин АШБ" (такрорий)
48. ВХ-254 "Бекобод АББ-Галаба ф/у" (такрорий)
49. ВХ-255 "Навой ф/у-Бекобод АББ-Зафар АЧСБ" (такрорий)
50. ВХ-256 "Зафар АЧСБ-Бекобод АББ" (такрорий)
51. ВХ-257 "Зафар АЧСБ-Бекобод АББ (Дехонобод ф/у)" (такрорий)
52. ВХ-263 "Зафар АЧСБ-Бекобод АББ (232 пикет орқали)" (такрорий)
53. ВХ-266 "Бекобод АББ-Шолиқор ф/у" (такрорий)
54. ВХ-272 "Зафар АЧСБ-Бекобод-Ойбек ф/у" (такрорий)
55. ВХ-279 "Янгийўл АШБ-Тинчлик ф/у" (такрорий)
56. ВХ-234 "Янгийўл АШБ-А.Темур қ.ф.й." (такрорий)
57. ВХ-424 "Жангибой маҳалласи-Кўйлик АШБ" (Галаботир орқали) (такрорий)
58. ВХ-231 "Янгийўл АШБ-З.М.Бобур қ.ф.й." (такрорий)
59. ВХ-528 й.т. "Чирчиқ АББ-Қибрай туғуруқхонаси (Улугбек кўр. орқали)" (такрорий)
60. ВХ-515 й.т. "Чилонзор буюм бозори- Қибрай АШБ" (такрорий)
61. ВХ-627 й.т. "Кувейш маҳалласи-Вилоят кўп тармоқли шифохонаси" (такрорий)
62. ВХ-630 й.т. "Кўйлик М2-4-шаҳар қабристонини" (такрорий)
63. ВХ-631 й.т. "Қозоқ овул-Охангарон АШБ" (такрорий)

64. ВХ-632 й.т. "Янгийўл м.ф.й.-Сабзавот м.ф.й. (Ўнқўрғон қ.ф.й. орқали)" (такрорий)
65. ВХ-633 й.т. "Соҳибқор" м.ф.й. (Тотувлик кўчаси)-Қибрай марказий шифохонаси" (такрорий)
66. Битта пакет билан: ВХ-258 й.т. "Чиноз маркази-Олмазор кўргони-Эшонабод қ.ф.й." ВХ-292 й.т. "Янгийўл дехон бозори-Карвон (Ўрикзор) бозори" ВХ-220 й.т. "Янгийўл дехон бозори-Вилоят шифохонаси" ВХ-222 й.т. "Янгийўл дехон бозори-Янги ҳаёт ф/у" ВХ-225 й.т. "Янгийўл дехон бозори-Қушқек қишлоғи" ВХ-233 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали-Янги ҳаёт ф/у" ВХ-259 й.т. "Янгийўл шаҳар дехон бозори-Бек барака бозори" (такрорий)
72. Битта пакет билан: ВХ-203 "Лубзавод-Кўйлик АШБ" ВХ-371 й.т. "Жумабозор кўргони-Кўйлик АШБ" ВХ-223 "Янгийўл қ.ф.й.-Чирчиқ АББ" (такрорий)
74. Битта пакет билан: ВХ-230 "Янгийўл АШБ-С.Раҳимов ф/у" ВХ-282 "Янгийўл АШБ-Уяли қишлоғи" ВХ-297 "Янгийўл темир йўл вокзали-Фарход бозори" (такрорий)
75. Битта пакет билан: ВХ-287 "Янгийўл АШБ-Олмазор кўргони" ВХ-293 "Янгийўл АШБ-Хўжабод қишлоғи" ВХ-300 "Янгийўл АШБ-Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
76. Битта пакет билан: ШИ-6 й.т. "Қалмоққир бошқармаси-5/2-кичик ноҳия" (Олмалик ш.) ШИ-15 й.т. "Қалмоққир бошқармаси-А.Қодирий маҳалласи" (Олмалик ш.) ШИ-26 й.т. "5/2-кичик ноҳия-А.Қодирий маҳалласи" (Олмалик ш.) ШИ-10 "Дельфин" оромгоҳи-Кончи ОАЖ" (Олмалик ш.) ВХ-285 "Янгийўл шаҳар бозори-Бўзсув ф/у" (такрорий)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишлари амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақлифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси

учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасининг битта-бита кўриқдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашиш учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас. Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга таклиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади. Тендер ташкилотчиси - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилот комиссияси. Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Яш-

нобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилот комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақами АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қибрай

бўлими, х/р 20210000104661167001 (банк коди 00884, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда пул ўтказиб, 2016 йил 22 апрель соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим. Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилот комиссияси тендер тақлифларини 2016 йил 26 апрель соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй, Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти биноси. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-29-80.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Шахмат

Янгийул туманида "Камолот" шахмат тахтаси IX анъанавий республика турнирининг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди.

ЎСМИРЛАР «КИШТ» БЕРИШАДИ



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши Халқ таълими, Ўрта махсус, касб-хунар таълими, Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий бўлими, Шахмат федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур мусобақа ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёш шахматчиларни рабатлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Турнир 5 ёш тоифасидаги ўғил-қизлар ўртасида беш босқичда ташкиллаштирилди. Яқунда ҳар бир ёш тоифасидан 1 нафардан ғолиб танланиб, республика босқичига йўлланиши кўлга киритди. Шунингдек, "Энг фаол иштирокчи", "Энг қизиқарли ўйин" номинациялари бўйича ҳам иштирокчилар "Камолот" дипломи ва совғалари билан тақдирландилар.

Маҳлиб ИСРОИЛОВА.

Бошланғич 1-бета.

Маҳалланинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги ўрни беқиёс. Айни чоғда, бу жамоатчилик институти ҳаётида демократик тамойилларнинг қарор топишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Зеро, одамлар ҳаётидаги ҳар қандай муаммо ёки бирор режа маҳаллада эркин ва ошқора, бамаслаҳат, ҳар бир кишининг фикри, тақлиф ва мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда ҳал қилинади. Оилада бирор маросим ўтказилмоқчи бўлса ҳам, ҳаёлдан беихтиёр: "Маҳалладошлар нима дейишар экан-а", деган фикр ўтади.

Оила ва маҳалла ёш авлод тарбияси учун биргаликда масъул десак, муболаға бўлмайди. Оилаларда вояга етаетган фарзандлар маҳалла аҳли кўз ўнгига ўсиб-улғаяди. Ота-она у ёки бу сабаб, фарзандлари тарбияси билан шугулланмай, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйса, бундай болаларни кўча ўз "тарбия"сига олади, натижада вақти-соати келиб, маҳалла учун, жамият учун янги муаммолар юзага келади.

Бола тарбияси – мураккаб жараён. Болани тарбиялаётиб, ўзимиз ҳам тарбия оламиз, ота-оналик, боболик, момолик бурчимизни янада чуқур ҳис этамиз. Бизнинг жамияти ҳатти-ҳаракатларимиз фарзандларимиз кўз ўнгиде кечади. Ота-онанинг маҳалладаги нуфузи, эл-юртдаги обрў-эътибори фарзандга қанот бағишлайди, ўзига ишончини мустаҳкамлайди. Баъзи ҳолларда бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Чунки боланинг маънавий олами оиладаги муҳитга боғлиқ ҳолда шаклланади.

Ғарбда оилага икки кишининг ихтиёрий (шартнома асосида ёки вақтин-

чалик) иттифоқи сифатида қаралади. Оила ва никоҳ, оила ва жамият, ота-она ва болалар муносабатлари бутунлай бошқача мезонларга асосланади ва талқин этилади. Шунга кўра, биргина никоҳнинг ўзи бир неча хил кўринишларда тузилиши мумкин. Бунда асосий эътибор ва талаб оила қураётганларнинг бир-бир-

каби носоглом хатти-ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай ҳаракатлар бир қарашда кўзга унча ташланмайдиган, деярли беозор бўлиб кўринадиган ва ҳатто қизиқарли, жозибали шаклларда олиб борилади. Моддий манфаатдорлик ваъда қилинади. Ҳаётини тажрибаси етарли бўлмаган, турмушининг оғир синовларига дуч келмаган,

Бугунги дунёнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ахборот оламининг глобаллашуви билан боғлиқ. Бугун эрталаб бошқа бир қитъада юз берган воқеа-ҳодиса тафсилоти шу куннинг ўзида дунёнинг бошқа бир чеккасига етиб келади, телевидение бевоқифа намоён этилади, ахборот агентликлари қайта-қайта шарҳлайди. Бу, табиийки, техника асрининг ютуғи, инсон ақл-заковатининг ҳосиласи. Аммо мана шу "ҳосила" сабаб, ҳаётимизга, онг-шууримизга энг сўнгги ахборотлар, муҳим маълумотлар, инсониятнинг оламшумул ихтиролари ҳақидаги тафсилотлар билан бирга, миллий менталитетимизга, шарқона одоб-ахлоқимизга мутлақо зид бўлган ғаразли "қадрият"лар ҳам кириб келмоқдаки, бу ҳолатга асло бепарво бўлмаслик керак. Давлатимиз раҳбари оғоҳ этганидек: "Қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва, аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли қуролга айланади".

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан ҳар қандай муаммони ҳал қилиш мумкин. Аммо оиладаги носоглом муҳит оқибатларини тугатиш осон кечмайди. Бола эсини таниганидан бошлаб унга нонининг азизлиги, тарикдек ушогини ҳам исроф қилиш мумкин эмаслигини ўқирамиз. Бу нарса унинг шуғурига, қон-қонига сингади ва кейинчалик ҳеч бир нарса бу тасавурни ўзгартира олмайди.

Аҳмадjon МЕЛИБОВ,  
Ўзбекистон Миллий университети доценти.

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛанаДИ

маҳаллада давом этади

ларига садоқати эмас, оиладаги эркин турмуш тарзига, ҳуқуқ ва мулк муносабатларининг шартномавий ифодасига қаратилади.

Оилага эътибор жамиятнинг эртасига бевоқифа боғлиқ. Оила муҳитининг соғломлиги пировард натижада жамиятнинг соғломлигига олиб келади. Жамият тўғрисида, ўз келажакимиз ҳақида ўйлар эканмиз, бизнинг шу орзуларимиз рўйбега чиқишига ҳар биримизнинг оиламизда, маҳаллаларимизда асос қўйилаётганини унутмаслигимиз керак.

Бугун дунёда иқтисодий соҳада – ўзга минтақалардаги табиий бойликлар устидан назоратни кўлга киритиш, мафқуравий соҳада – турли халқларнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзини ўз манфаатлари йўлида "ислоҳ" қилиш, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш, уларни тўғри йўллардан чалғитиш

бирор сабаб билан оилада тўлақонли тарбия олмаган, маҳалла мактабини ўтамаган ёшлар бундай "жозибат"га тез маҳлиё бўладилар ва ўзлари билмаган ҳолда кимларнингдир тўрига илиниб қоладилар. Давлатимиз раҳбари алоҳида ўқирганидек, маънавий қуролсизлантирилган ва бунинг оқибатида асл илдишлари заифлашган халқ эса энг оддий хавфхатар олдига ҳам ожиз бўлиб қолади.

Жаҳоннинг юксак даражада ривожланган мамлакатлари ҳам дунёвий сиёсатда энг аввало шахсий манфаатни кўзлайди. Бу манфаатлар гоҳо муҳим стратегик чорраҳаларда ўзаро тўқнаш келиб қолар экан, янада ҳушёр ва оғоҳ бўлишга тўғри келади. Негаки, мафқуравий тазйик кўринмас офат янглиғ халқ, миллат ҳаётига аста-секин кириб келади, ёшлар онг-шуурида чуқур илдиш отади.

МУШТИ ҚАТТИҚ, КЎНГЛИ БЎШ



Юқори Чирчиқ тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Соғлом она ва бола йили муносабати билан спортнинг бокс тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Бокс

Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши бўлими ва ҳамкор ташкилотлар биргаликда ташкил этган мусобақада вилоятимизнинг туман ва шаҳар-

ларидан келган 2002-2005 йилларда тугилган 200 дан ортиқ ўсмир-ёшлар иштирок этди. Бундай мусобақалар фарзандларимизни жисмонан соғ-

лом ва баркамол бўлишларига замин яратади. – дейди спорт мактаби мураббийси Жаҳонқул Бегматов. – Шунингдек, ёшларимиз орасидан бўлгуси чарм қўқоп усталарини кашф этишда ҳам уларнинг аҳамияти катта.

Яқунда ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

**ДИҚҚАТ, ТУЗАТИШ!**  
"VIP REAL ESTATE" МЧЖ томонидан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 19.03.2016 йилдаги 23-сониде берилган эълондаги савдо санаси 22.04.2016 йил ўрнига 26.04.2016 йил соат 12.00 да бўлиб ўтади деб ўқилсин. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143. e-mail: info@realtors.uz. Лицензия рақами RR 0173.

**ДИҚҚАТ!**  
ЖИБ Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман судининг 17.09.2015 йилдаги 1-97/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 37 377 000 сўм бўлган, 2010 йилда и/ч, д/р 01R455LA, "Ласетти" р-ли ав-на ҳамда ЖИБ Тошкент

вилояти Бўстонлиқ туман судининг 04.11.2015 йил 1-131/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 41 236 000 сўм бўлган, 2014 йилда и/ч, д/р 01V373RA, Кобальт р-ли ав-на Бўстонлиқ туман СИБнинг 18.03.2016 йилдаги 11-195/1-сонли хатига асосан "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг аукцион савдоларидан ечилди. Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темури 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz. Гувоҳнома № 005148.

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий аукцион савдоларига тақлиф этади!**  
Аукцион савдоларига: 1. Тошкент вилояти Зангиота тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ ИХБ жарима майдончасида сақланаётган: 3726/2-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 10J165FA, бошланғич баҳоси - 4 050 515 сўм бўлган "BA3 210333" русумли; 2-88-15-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2. 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 10V770EA, бошланғич баҳоси - 41 611 356 сўм бўлган "Тойота ЯРИС" русумли; 3. 1999 йилда и/ч., дав/рақ: 01Y566DA, бошланғич баҳоси - 34 210 745 сўм бўлган "Мерседес Бенц С 180" русумли; 4. Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ да сақла-

**«Ўзбеккўмир» АЖ маъмурияти ва бирлашган касабә уюшмаси кўмитаси яшариш ва янгилашиш байрами – Наврўз айёми билан муборакбод этади!**  
Ишларингизга ривож, оилангизга бахт ва омад тилайди.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи  
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**  
Манзилымы: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:  
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).  
Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: 233-38-23, 233-48-08.  
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.  
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
**Сайёра РИХСИЕВА**  
Навбатчи  
**Бектош ИСМОИЛОВ**  
Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ**